# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сўзлаган нутқи

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

**Танлаб олиш эркинлиги** принципи мажбурийлиги ҳам бизга равшан. Бу принципни эътироф қилмаслик бутун инсоният учун жуда оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қандай баҳона билан бўлмасин, қандай сўзлар билан ниқобланмасин, халқларнинг бу ҳуқуқини инкор қилиш — ҳатто эришишга муваффақ бўлинган мўртроқ мувозанатга ҳам тажовуз қилиш демакдир. Танлаш эркинлиги ялпи принцип бўлиб, истисноларни билмаслиги керак.

Бу принципнинг қатъийлиги тўғрисидаги хулосага биз шунчаки яхши ният билангина келганимиз йўқ. Замонамизнинг объектив жараёнларини холисона таҳлил этиш ҳам бизни шу хулосага олиб келди.

Турли мамлакатлар ижтимоий тараққиётининг ошиб бораётган **кўп вариантлилиги** шу жараёнларнинг тобора сезиларли белгиси бўлиб қолмоқда. Бу гап капиталистик системага ҳам, социалистик системага ҳам тааллуқлидир.

Кейинги ўн йилликларда миллий-озодлик ҳаракатларидан ўсиб чиққан ижтимоий-сиёсий структураларнинг хилма-хиллиги ҳам шундан далолат беради.

Бу объектив факт эса бошқаларнинг қарашларига ва позицияларига ҳурматни, сабр-тоқатни, ўзга вариантни албатта ёмон ёки душман деб ҳисобламасликка тайёрликни, турлича бўлганда ҳам ва бир-бирининг ҳамма фикрларига қўшилмаганда ҳам ёнма-ён яшашни ўрганиш қобилиятини тақозо этади.

Дунёнинг ранг-баранглиги ўзини-ўзи қарор топтириши теварак-атрофдагиларга кибр-ҳаво билан назар ташлаш ва уларга «ўз» демократиясини ўргатиш йўлидаги уринишларни асоссиз қилиб қўяди. «Экспорт ижросидаги» демократик қадриятлар кўпинча жуда тез қадрсизланиб бораётганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, гап кўп хиллиликнинг бирлиги ҳақида бормоқда. Агар биз шуни сиёсий жиҳатдан қайд этсак, агар танлаш эркинлигига содиқлигимизни тасдиқласак, у ҳолда баъзи бировлар «тангрининг иродаси билан» ерда яшаяпти-ю, баъзи бировлар бу ерга мутлақо тасодифан келиб қолган, деган тасаввурлар ҳам барҳам топади.

Бундай комплексдан халос бўлиш ва ўз сиёсий йўлини шунга мувофиқ равишда қуриш пайти келди. Шунда дунёнинг бирлигини мустаҳкамлаш истиқболлари ҳам очилади.

Давлатлараро муносабатларни мафкурадан халос этиш янги босқичнинг талаби бўлиб қолди. Биз ўз эътиқодларимиздан, ўз фалсафамиздан, анъаналаримиздан воз кечмаймиз, ҳеч кимни ўз эътиқодлари, ўз фалсафаси, анъаналаридан воз кечишга даъват қилмаймиз.

Аммо биз ўз қадриятларимиз доирасида ўралашиб қолмоқчи ҳам эмасмиз. Бундай ўралашиб қолиш маънавий қашшоқликка олиб борган бўлур эди, чунки бу ҳар бир миллат мустақил яратаётган жамики ноёб қадриятларни баҳам кўришдек қудратли тараққиёт омилидан воз кечишни билдирган бўлур эди.

Мана шундай баҳам кўриш давомида ҳар бир мамлакат ўз тузумининг, ўз турмуш тарзининг, ўз қадриятларининг афзаллигини сўзда ва ташвиқот воситаси билангина эмас, балки амалий ишлар билан исботлайверсин.

Мана бу идеологияларнинг ҳалол кураши бўлади. Аммо бу кураш давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга кўчирилмаслиги керак. Акс ҳолда биз жаҳоншумул муаммоларнинг биронтасини ҳам ҳал қила олмаймиз:

Халқлар ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли кенг ҳамкорликни йўлга қўя олмаймиз;

фан-техника революцияси ютуқларидан оқилона фойдалана олмаймиз;

дунёдаги хўжалик алоқаларини ўзгартира олмаймиз ва атроф-муҳитни муҳофаза қила олмаймиз;

заиф ривожланганликни бартараф қила олмаймиз, очлик, касалликлар, саводсизликни, бошқа оммавий кулфатларни тугата олмаймиз;

у ҳолда биз ядро уруши хавфини ва милитаризмни тугатишга ҳам муваффақ бўла олмаймиз, албатта.

XXI аср бўсағасидаги дунёнинг қонуниятлари тўғрисида бизнинг фикр-ўйларимиз мана шулардан иборат.

Биз бу фикр-ўйларни шак-шубҳасиз ҳақиқат деб даъво қилмоқчи эмасмиз, албатта. Бироқ биз ўтмишдаги ва янги вужудга келаётган реалликларни қатъий таҳлил этиб **умумбашарий ғоянинг** марказдан қочувчи сон-саноқсиз кучлардан **устунлигига** эришиш, эҳтимолки, коинотда якка-ю-ягона бўлган цивилизациянинг ҳаёт қобилиятини сақлаб қолишга эришиш йўлини айни мана шу ёндашувлар асосида биргаликда излаш керак, деган хулосага келдик.

Бу ўринда муайян баландпарвозликка, дунёдаги ижтимоий онгнинг имкониятларини, етуклигини бўрттириб кўрсатишга йўл қўйилаётгани йўқми? Биз бундай шубҳа-гумонлар ва саволларни ўз уйимизда ҳам, Ғарбдаги баъзи музокарадошлардан ҳам эшитяпмиз.

Биз реалликлардан ажралиб қолмаётганимизга аминман.

Ҳозир дунёда **тинч даврга қадам қўйишга** у ёки бу тарзда ундаётган кучлар таркиб топди. Халқлар, кенг жамоатчилик доиралари ҳақиқатан ҳам ишларнинг аҳволини яхшилаш сари ўзгартиришни астойдил истайдилар, ҳамкорлик қилишни ўрганишни хоҳлайдилар.

Бундай майллар нақадар кучлилиги баъзан, ҳатто кишини ҳайратга солади. Бинобарин, бундай кайфиятлар кучайиб, сиёсатга айланаётганлиги муҳимдир.

Фалсафий ёндашувлардаги ва сиёсий муносабатлардаги ўзгартишлар — жаҳон миқёсидаги объектив жараёнларга таяниб, давлатлар ўртасида янги муносабатлар ўрнатишга қаратилган куч-ғайратларга янги омил бахш этиш учун салмоқли шарт-шароитдир.

Ҳатто ўтмишдаги фаолияти «совуқ уруш» билан, баъзан, унинг энг кескин босқичлари билан боғлиқ бўлган сиёсатчилар ҳам тегишли хулосаларни чиқариб олмоқдалар. Ўша замонлардаги сийқа фикрлардан, тажрибадан воз кечиш уларга айниқса қийин.

Модомики, ҳатто улар ҳам шундай бурилиш қилаётган эканлар, янги авлодларнинг келиши билан имкониятлар янада кўпайиши равшан.

Хуллас, тинч давр зарурлиги тушунчаси ўзига йўл очиб бормоқда ва ҳукмрон тенденция бўлиб қолмоқда. Натижада халқаро вазиятни соғломлаштириш ва қуролсизланиш ишида дастлабки амалий қадамларни ҳам қўйиш имконияти туғилди.

Амалий соҳада бундан қандай хулоса келиб чиқади? Ҳозиргача орттирилган ижобий тажрибадан воз кечмай, кейинги йилларда эришилган, биргаликдаги куч-ғайратлар билан вужудга келтирилган жамики яхши жиҳатларни олға силжитиш табиий ва оқилона иш бўлур эди.

Мен ядро қуроли, оддий қурол-яроғлар, химиявий қурол муаммолари хусусидаги музокара жараёнини, маҳаллий можароларни тўхтатишга сиёсий ёндашувларни излашни назарда тутаяпман.

Ўз-ўзидан равшанки, биринчи галда мухолифликка эмас, балки муаммоларнинг моҳиятига, бир-бирини айблашга эмас, балки амалий мулоҳазаларни ўртоқлашишга қаратилган тобора жадал, янада ошкора сиёсий мулоқотни назарда тутаяпман. Сиёсий мулоқот бўлмаса, музокара жараёни илгари силжимайди.

Бизнинг фикримизча, яқин ва бирмунча олис келажакнинг анчагина умидбахш истиқболлари бор.

Бизнинг АҚШ билан муносабатларимиз нақадар ўзгарганига назар ташланг. Оз-оздан ҳамжиҳатлик вужудга кела бошлади, ишонч элементлари пайдо бўлди, бусиз сиёсатда илгари силжиш жуда қийин.

Мазкур элементлар Европада бундан ҳам кўп. Хельсинки жараёни буюк жараён. Менинг фикримча, бу жараён тўла-тўкис ўз кучида қолади. Унинг ҳамма жиҳатларини, ҳам фалсафий, ҳам сиёсий, ҳам амалий жиҳатларини сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш зарур, аммо бунда янги вазиятларни эътиборга олиш керак.

Ҳозирги реалликка кўра, халқаро жараённинг нормал ва ижобий боришини таъминлайдиган мулоқот дунёдаги барча мамлакатлар ва регионларнинг: Ҳиндистон, Хитой, Япония, Бразилия каби катта мамлакатларнинг ҳам, бошқа йирик, ўртача, кичик мамлакатларнинг ҳам доимий ва фаол иштирокига муҳтож.

Мен — сиёсий мулоқотни узлуксиз тус олдириш тарафдориман, унинг мазмундор характери тарафдориман, халқаро муҳитни яхшилаш учун зарур бўлган сиёсий шарт-шароитлар мустаҳкамланиши тарафдориман. Шунда кўпгина муаммоларнинг амалий ҳал этилиши ҳам осонлашади. Бу — қийин иш, аммо айни шу йўлдан боравериш зарур.

Дунёнинг тобора кўпроқ бирлашуви йўлидаги ҳаракатда ҳамма қатнашиши керак. Ҳозир бу айниқса муҳимдир. Чунки, дунёнинг бирдамлигини, халқаро муносабатларнинг барқарорлиги ва изчил характерини таъминлаш йўллари тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилаётган жуда муҳим пайт бошланмоқда.

Ҳолбуки, ажнабий давлат ва сиёсат арбоблари билан суҳбатлашганимда — мен икки юздан кўпроқ мана шундай суҳбат ўтказдим — баъзан уларнинг мана шу бениҳоя масъулиятли босқичда бирон-бир сабабга кўра улар жаҳон сиёсатининг асосий масалаларидан бирмунча четда қолаётганликларидан афсусланаётганликларини сезиб қолдим.

Бунга ҳеч ким рози бўлишни хоҳламаслиги табиий ва тўғридир.

Модомики, биз битта яхлит цивилизациянинг турлича бўлса ҳам қисмлари эканмиз, модомики биз ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниб турган эканмиз, бу нарса сиёсатда, халқаро муносабатларни уйғунлаштириш борасидаги амалий куч-ғайратларда ҳам тобора кўпроқ сезилиб туриши керак. Эҳтимол, бу ўринда, «қайта қуриш» ибораси унчалик тўғри келмас, аммо мен ҳақиқатан ҳам **янги халқаро муносабатлар** зарурлигини таъкидлайман.

Замон, ҳозирги дунёнинг ҳақиқий аҳволи мулоқотни ва музокара жараёнини **интернационаллаштиришга** асосий эътибор беришни талаб қилаётганлигига ишончим комил.

Бу кейинги вақтларда кучайиб бораётган жаҳон жараёнларини ўрганиш ва жаҳон сиёсатида қатнашиш натижасида биз чиқарган **энг асосий, умумлашма хулосадир.**

### II.

Ана шу конкрет тарихий вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги роли тўғрисидаги масала кўндаланг бўлади.

Назаримизда давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек ноёб ҳамжамиятга ўз муносабатини муайян тарзда қайта идрок этиш зарурати бор, БМТсиз эндиликда жаҳон сиёсатини тасаввур этиб бўлмайди.

Сўнгги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликпарварлик ролининг активлашуви БМТ даврнинг даҳшатли синовларига бардош беришда ўз аъзоларига ёрдам беришга, муносабатларни одамийлаштириш йўлидан боришга қодир эканлигини намойиш этди.

Афсуски, БМТ тузилиши биланоқ «совуқ уруш» тазйиқига дуч келди. Шундан кейин у кўп йиллар мобайнида тарғибот жанглари ва сиёсий мухолифлик майдонига айланиб қолди.

Майли, бунда ким кўпроқ ва ким камроқ айбдорлиги хусусида тарихчилар баҳслашаверишсин. Сиёсатчилар эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихидаги ана шу боб сабоқларини ўзлаштириб олишлари керак, чунки ўша кезлар БМТ ўзининг моҳияти ва вазифасига зид аҳволга тушиб қолган эди.

Жуда аччиқ ва муҳим сабоқлардан бири — бой берилган имкониятларнинг жуда узун рўйхатидир. Бунинг оқибатида муайян босқичда БМТнинг обрўси тушди, бу ташкилот ҳаракат қилишга нечоғлик зўр бериб уринмасин, самара бўлмади.

БМТ ролининг қайта тикланиши халқаро иқлимнинг яхшиланиши билан боғлиқлиги ниҳоятда эътиборлидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли давлатларнинг манфаатларини бамисоли ўзида мужассам этгандир ва у ана шу давлатларнинг икки томонлама куч-ғайратларини, регионлар ва кенг қамровли куч-ғайратларни умумий оқимга бирлаштира оладиган ягона ташкилотдир.

Унинг олдида барча соҳаларда янги имкониятлар очилмоқда, бу ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва гуманитар имкониятлар бўлиб, улар БМТ вазифасига кириши табиийдир.

Лоақал **тараққиёт муаммосини** олиб кўрайлик, у чинакамига умумбашарий муаммодир. «Учинчи дунё»нинг бир қанча районларидаги ўн миллионлаб одамларнинг яшаш шароити бутун инсоният учун хавфли бўлиб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодий алоқаларининг Шимол-Жануб, Шарқ-Ғарб, Жануб-Жануб, Жануб-Шарқ, Шарқ-Шарқ сингари асосий йўналишларида шундай бош тугунлар пайдо бўлдики, бу тугунларни бирон-бир биқиқ уюшмалар ҳам, давлатларнинг регионал ҳамжамиятлари қанчалик аҳамиятли бўлмасин — улар ҳам еча олмайдилар.

Бу ўринда куч-ғайратларни бирлаштириш лозим, мамлакатлар барча группаларининг манфаатларини ҳисобга олиш керак. Буни эса фақат БМТдек ташкилот таъминлашга қодирдир.

**Ташқи қарз** энг ўткир муаммолардан биридир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ривожланаётган дунё мустамлакачилик даврида сон-саноқсиз талофотлар ва қурбонлар эвазига жаҳон ҳамжамияти анчагина қисмининг гуллаб-яшнашига имконият яратди. Эндиликда ана шу дунёнинг жаҳон моддий тараққиётига тарихий ва фожиали ҳисса қўшиш давомида чеккан маҳрумликларининг ўрнини қоплаш пайти келди.

Масалани ҳал этишнинг йўли **интернационал ёндашувда** ҳамдир, биз бунга аминмиз.

Аҳволга рўй-рост назар ташлайдиган бўлсак, шуни тан олиш кераккки, тўпланиб қолган қарзни тўлаб бўлмайди, дастлабки шартларда ундириб ҳам бўлмайди.

Совет Иттифоқи жуда кам тараққий этган мамлакатлар қарзини тўлаш муддатини узоқ вақтга — юз йилга қадар суришга, бир қанча ҳолларда эса қарздан батамом кечиб юборишга тайёрдир.

**Бошқа ривожланаётган мамлакатларга** келганда қуйидагиларни кўриб чиқишни таклиф этамиз:

— ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига қараб уларнинг расмий қарзи юзасидан тўловларни чеклаш ёки тўловларнинг анча қисми учун узоқ муҳлат бериш;

— БМТнинг савдо ва тараққиёт конференциясининг савдо сотиқ банкларидан қарзларини қисқартириш тўғрисидаги мурожаатини қўллаб-қувватлаш;

— «учинчи дунё» қарзларини тартибга солишнинг бозор механизмини ҳукуматлар томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, шу жумладан қарзларни қисман чегириш билан сотиб оладиган махсус халқаро муассасани ташкил этиш.

Совет Иттифоқи кўп томонлама анжуманларда, шу жумладан БМТ ҳомийлигида ўтказиладиган қарздор мамлакатлар ҳукуматлари ва қарз берган мамлакатлар ҳукуматлари бошлиқларининг маслаҳатлашувларида, шу жумладан қарз танглигини бартараф этиш йўлларини батафсил муҳокама қилиш тарафдоридир.

Халқаро иқтисодий хавфсизликни қуролсизланиш билан бир қаторда **жаҳондаги экологик хавф-хатарни белгиламасдан туриб** тасаввур этиб бўлмайди. Бир қанча регионлардаги экологик вазият даҳшатлидир.

1992 йилда БМТ доирасида атроф-муҳит хусусида конференция чақириш режалаштирилган. Биз бу қарорни маъқуллаймиз ва ушбу анжуман муаммо миқёсига яраша натижалар беришига тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Аммо вақт кутиб турмайди. Турли мамлакатларда анчагина ишлар қилинмоқда. Мен бу ўринда қуролсизланиш жараёнида, аввало, албатта — ядровий қуролсизланиш жараёнида экологик қайта тикланиш учун қандай имкониятлар очилишини яна бир карра алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим, холос.

Келинг, яна бир масала хусусида ўйлаб кўрайлик: БМТ ҳузурида шошилинч экологик ёрдам маркази тузиш керак эмасмикан? Бу марказ вазифаси экологик вазият кескин ёмонлашган районларга зудлик билан мутахассисларнинг халқаро группаларини юборишдан иборат бўлур эди.

Совет Иттифоқи фақат табиатнинг ҳолатини назорат қилиш билан шуғулланадиган халқаро космик лаборатория ёки учувчи бошқарадиган орбитал станцияни барпо этишда ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

**Космосни ўзлаштиришда** бўлажак космик индустриянинг қиёфаси тобора аниқравшан кўринмоқда.

Совет Иттифоқининг позицияси маълум: космосдаги фаолият у ерга қурол билан чиқишни мустасно этиш керак. Бунинг учун эса ҳуқуқий негиз ҳам зарур. 1967 йилги шартнома ва бошқа битимлар ана шундай негизнинг пойдеворидир.

Аммо эндиликда космосда тинчлик мақсадидаги ишнинг кенг қамровли режимини ишлаб чиқиш зарурати етилди. Режимга риоя этиш устидан назорат эса жаҳон космик ташкилотининг иши бўлур эди.

Биз ана шундай ташкилот тузиш тўғрисидаги таклифни бир неча бор айтдик. Биз ана шундай ташкилот системасига ўзимизнинг Красноярск шаҳридаги радиолокация станциямизни қўшишга ҳам тайёрмиз. Ушбу станцияни СССР Фанлар академиясига ўтказиш ҳақида қарор ҳам қабул қилинди.

Совет олимлари чет эллик ҳамкасбларини қабул қилиб, улар билан биргаликда мазкур станцияни тинч мақсадларда ҳамкорлик қилишнинг халқаро марказига айлантириш учун қайтадан жиҳозлаш, айрим воситалар ва иншоотларни бузиб ташлаш ва қайта қуриш, шунингдек, етишмай турган ускуналарни ўрнатиш масалаларини муҳокама қилишга тайёрдирлар.

Ана шу система БМТ ҳомийлигида ишлаши мумкин бўлур эди.

Бутун дунё Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унинг Бош секретари Перес де Куэльярнинг ва у юборган вакилларнинг **регионлардаги тугунларни** ечиш юзасидан куч-ғайратларини қутламоқда.

Ана шу мавзу хусусида бирмунча тўхтаб ўтишга ижозат берсангиз.

Хемингуэй ўзининг машҳур романига эпиграф қилиб олган инглиз шоирининг мисраларини бироз ўзгартириб: ҳар бир регионнинг можаро қўнғироғи ҳаммамизнинг дилимизни ўртайди, демоқчиман.

Бу можаролар «учинчи дунё»да содир бўлаётгани учун ҳам бу, айниқса, тўғридир, чунки бу дунёда ана шу можароларсиз ҳам кенг миқёсли кулфатлар ва муаммолар тўлиб-тошиб турибдики, бу ҳаммамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

1988 йилда бу борадаги муштарак ташвишларимизда умид учқуни пайдо бўлди. Бу учқун деярли барча регионал тангликларга тааллуқлидир ва айрим жойларда силжишлар бўлди. Биз бу силжишларни қутлаймиз. Имкониятимизга қараб уларга ёрдамлашдик.

Фақат Афғонистон хусусида алоҳида тўхталаман.

Женева битимларининг принципиал ва амалий аҳамиятига бутун жаҳонда юксак баҳо берилган эди, мазкур битимлар шу йилнинг ўзидаёқ можарони батамом бартараф этиш имкониятини берар эди. Лекин бундай бўлмади.

Бу нохуш ҳол қуйидаги кўҳна Рим ҳикматининг сиёсий, юридик ва маънавий аҳамиятини яна бир карра эслатади.

*Pacta sunt serbanda!*

— Шартномалар бажарилиши керак!

Бирон-бир киши шанига таъна айтиш учун ушбу минбардан фойдаланмоқчи эмасман.

Аммо, назаримизда, БМТ компетенцияси доирасида Бош Ассамблея ноябрь резолюциясини айрим конкрет тадбирлар билан тўлдириш мумкин бўлур эди.

Резолюция ибораси билан айтганда, — «афғонларнинг ўзи кенг негиздаги ҳукумат тўғрисидаги масалани кенг қамровли ҳал этилишига зудлик билан эришиш учун», қуйидагиларни амалга ошириш керак:

— 1989 йилнинг биринчи январидан бошлаб батамом ва ҳамма ерда ўқ узишни ва барча ҳужум операцияларини ёки ўққа тутишларни тўхтатиш, бунда музокаралар бўлаётган вақтда бир-бирига қарши бўлган афғон гуруҳлари ўзи эгаллаган территорияларни қўлида асраб, бу территорияларни назорат қилиб туради;

— шунга боғлиқ ҳолда, ўша кундан бошлаб барча душман томонларга қурол-яроғ етказиб бериш тўхтатилади;

— Бош Ассамблея резолюциясида назарда тутилаётган кенг негиздаги ҳукумат тузилаётган даврда, Кобулга ва мамлакатнинг бошқа стратегик марказларига БМТнинг тинчликни сақлаш кучлари контингенти юборилади;

— биз, БМТ Бош секретарига Афғонистоннинг мустақиллиги ва уни демилитаризация қилиш юзасидан халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги фикрнинг тезроқ амалга оширилишига ёрдам беришни сўраб мурожаат қиламиз.

Биз бундан буён ҳам уруш оқибатларини тугатишга жуда фаоллик билан ёрдам берамиз, бу ишда БМТ билан ҳам, икки томонлама негизда ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

БМТ ҳомийлигида Афғонистонни қайта тиклашга ёрдам бериш учун кўнгилли халқаро тинчлик корпуси тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Регионал можароларни бартараф этиш муаммоси муносабати билан яқинда содир бўлган мазкур сессия иши билан боғлиқ жиддий кўнгилсизлик хусусида ўз мулоҳазаларимни айтмай ўтолмайман.

БМТ ҳузурида доимий вакил статусига эга бўлган ташкилот вакилини Қўшма Штатларнинг маъмурлари Бош Ассамблеяда сўзга чиқиш учун Нью-Йоркка келишига ижозат бермадилар. Гап Ясир Арафат тўғрисида бормоқда.

Бу кўнгилсиз ҳол, Фаластин озодлик ташкилоти БМТ Хавфсизлик Кенгаши иштирокида Яқин Шарқ тугунини ечиш йўлини қидиришни енгиллаштирадиган муҳим амалий тадбирни кўрган бир пайтда содир бўлди.

Бу кўнгилсиз воқеа бир қанча ҳолларда СССРнинг ва АҚШнинг кўмагида регионлардаги бошқа можароларни сиёсий йўл билан бартараф этишнинг ижобий тенденциялари кўзга чалинган бир пайтда содир бўлди.

Биз юз берган ана шу воқеа хусусида чуқур таассуф билдирамиз ва Фаластин озодлик ташкилоти билан бирдамлигимизни изҳор этамиз.

Жаноблар! Кенг қамровли халқаро хавфсизлик концепцияси БМТ Устави принципларига асослангандир ва **халқаро ҳуқуқнинг** барча давлатлар учун мажбурий эканлигига таянади.

Халқаро муносабатларда қурол ишлатмасликка даъват этар эканмиз, пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишда сиёсий-ҳуқуқий методларнинг устун чиқишини истаймиз.

Ўзининг ташқи сиёсий фаолиятини ҳуқуққа бўйсундирган ҳуқуқий давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти — бизнинг идеалимиздир.

БМТ доирасида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бир хил тушуниш, янги шароитларни ҳисобга олиб, уларни кодификациялаш тўғрисида аҳдлашувга эришиш, шунингдек, ҳамкорликнинг янги соҳалари учун ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ана шу идеалга эришишга ёрдам берган бўлур эди. Ядро асри шароитида халқаро ҳуқуқнинг таъсирчанлиги ижро этишга мажбур қилишга эмас, балки давлатлар манфаатларининг мувозанатини акс эттирадиган нормаларга асосланиши керак. Тақдирнинг объектив муштараклигини тобора кўпроқ англаб олиш билан бир қаторда бу ҳар бир давлат ўзини халқаро ҳуқуқ билан чеклашидан ҳақиқий манфаатдор қилган бўлур эди.

Халқаро муносабатларни демократиялаш — бу халқаро ҳамжамият жами аъзоларининг муаммоларини ҳал этишни имкони бор даражада интернационаллашгина эмас. Бу ана шу муносабатларга **инсонпарварлик бахш этиш** ҳамдир. Агар ҳамма нарсанинг марказида одам, унинг ўй ташвишлари, ҳуқуқ ва эркинликлари турсагина халқаро алоқалар халқларнинг асл манфаатларини тўла акс эттиради ва бу халқларнинг муштарак хавфсизлигига ишончли хизмат қилади.

Шу муносабат билан мен бундан 40 йил муқаддам, 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ялпи декларациясининг аҳамиятига берилаётган юксак баҳоларга ўз мамлакатим овозини ҳам қўшишни истар эдим.

Бу ҳужжат ҳозир ҳам актуалдир. Унда ҳам БМТ мақсадлари ва вазифаларининг универсал характери акс этган. Декларация юбилейини нишонлашнинг давлат учун энг мақбул усули — ўз хонадонида ўз гражданларининг ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шароитларини яхшилашдан иборат. Бу борада сўнгги вақтда қандай тадбирлар кўрганлигимизни сизларга айтишдан илгари мен қуйидагиларни таъкидлашни истар эдим:

Мамлакатимиз чинакам революцион юксалишни бошидан кечирмоқда. Қайта қуриш жараёни жадаллашиб бормоқда. Биз ишни қайта қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқишдан бошлаган эдик. Муаммоларнинг характери ва миқёсларига баҳо бериш, ўтмиш сабоқларини идрок этиш ва буни сиёсий хулосалар ва программалар тарзида ифодалаш лозим эди. Бу иш қилинди.

Назарий иш, содир бўлаётган воқеаларни қайта идрок этиш, сиёсий позицияларни ойдинлаштириш, бойитиш ва тузатиш тугагани йўқ. Бу жараён давом этмоқда.

Аммо ишни худди ана шу умумий концепциядан бошлаш принципиал жиҳатдан муҳим эди, эндиликда, ўтган йиллар тажрибаси тасдиқлаб турганидек, ана шу концепция умуман тўғри бўлиб чиқди ва бундан бошқа йўл йўқ.

Жамиятни қайта қуриш планларини амалга оширишга жалб этиш учун амалда уни демократиялаш талаб этилди. Демократиялаш белгиси остида эндиликда қайта қуриш сиёсатни ҳам, экономика ва маънавий ҳаётни ҳам, идеологияни ҳам қамраб олди. Биз туб иқтисодий ислоҳотни авж олдирдик. Тажриба тўпладик. Янги йилдан бошлаб бутун халқ хўжалигини ишнинг янги формалари ва методларига ўтказамиз. Айни вақтда бу ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам тубдан қайта тузилишини ва социалистик мулкчилик замиридаги жуда катта потенциалнинг рўёбга чиқишини англатади.

Ана шундай дадил революцион ўзгаришларга киришар эканмиз, хатолар ҳам бўлишини, қаршиликка ҳам учрашимизни, янгилик янги муаммоларни туғдиришини англаб турардик, айрим бўғинларда ғовлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутдик. Аммо, ҳокимият ва бошқарув бутун системасининг туб демократик ислоҳоти қайта қуришнинг умумий жараёни муттасил олға бориши ва куч-қувватга тўлиб бораверишининг кафолотидир.

СССР Олий Совети яқинда Конституцияга тузатишлар тўғрисида қарорлар қабул қилиши, сайлов ҳақидаги Қонун қабул қилиниши билан биз сиёсий ислоҳот жараёнининг биринчи босқичини якунладик.

Танаффуссиз ислоҳотнинг иккинчи босқичига ўтдик, марказ ва республикалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни пухталаш, улуғ революция васият қилганидек, ленинча интернационализм принциплари асосида миллатлараро муносабатларни тартибга солиш ва айни вақтда жойлардаги Советлар ҳокимиятини қайта тузиш бу босқичнинг энг муҳим вазифасидир.

Биз жуда катта ишларни амалга оширишимиз керак. Айни вақтда жуда йирик вазифаларни ҳал этиш лозим. Кўнглимиз ишончга тўлиб турибди. Ихтиёримизда, назария ҳам, сиёсат ҳам бор, қайта қуришнинг авангард кучи бўлган партия ҳам бор, партиямиз янги вазифалар ва бутун жамиятдаги туб ўзгаришларга мувофиқ ўзини қайта қурмоқда. Энг асосийси улуғ Ватанимиздаги барча халқлар ва гражданларнинг барча авлодлари қайта қуришни маъқулламоқдалар. Биз ҳуқуқий социалистик давлат бунёд этиш ишига асосли равишда киришдик. Қонунларнинг бутун бир янги туркуми тайёрлаб қўйилди ёки уларни тайёрлаш ниҳоясига етмоқда.

Бу қонунларнинг кўпи 1989 йилдаёқ амал қила бошлайди ва биз улар инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан энг юксак мезонларга жавоб беради, деб ўйлаймиз. Совет демократияси мустаҳкам норматив негизга эга бўлади. Бу ўринда гап виждон эркинлиги, ошкоралик, жамоатчилик бирлашмалари ва ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар ва бошқа кўпгина актлар хусусида бормоқда.

Қамоқхоналарда ўзининг сиёсий ва диний эътиқодлари учун жазоланган одамлар йўқ.

Янги Қонунларнинг лойиҳаларига ана шундай сабабларга кўра таъқиб этишнинг барча шаклларини истисно этадиган қўшимча кафолотларни киритиш мўлжалланмоқда.

Равшанки, бу ҳақиқатан ҳам жиноий жавобгар бўлган ёки давлат жинояти қилган (жосуслик, қўпорувчилик, терроризм ва бошқалар) кишиларга, қандай сиёсий қарашларда бўлишларидан қатъи назар, уларга дахлдор эмас.

Жиноят кодексига киритиладиган ўзгаришлар лойиҳаси тахт қилиб қўйилди ва ўз навбатини кутмоқда. Жумладан, олий жазо чорасини қўлланиш билан боғлиқ бўлган моддалар ҳам қайта кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатдан кетиш ва мамлакатга келиш муаммоси, чунончи, қариндош-уруғлар билан қўшилиш учун чет элга кетиш масаласи инсонпарварлик руҳида ҳал этилмоқда.

Маълумки, рад жавобининг сабабларидан бири гражданларнинг сирлардан боҳабарлигидир. Бундан буён сирлардан хабардор бўлишнинг қатъий асосланган муддатлари жорий этилмоқда. Тегишли муассаса ёки корхонага ишга кираётган ҳар бир одам ана шу қоидадан хабардор этилади. Ўртада пайдо бўладиган баҳслар қонун йўли билан шикоят аризаси бериб ҳал этилиши мумкин.

Шундай қилиб, «рад жавоби олганлар» муаммоси бартараф этилади.

Биз Совет Иттифоқининг БМТ ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари юзасидан назорат механизмларида ва Умумевропа жараёни доирасидаги иштирокини кенгайтириш ниятидамиз. Биз Гаагадаги халқаро суднинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги битимларни талқин этиш ва қўллашга оид юрисдикцияси барча давлатлар учун мажбурий бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи учун эшиттиришлар олиб бораётган барча чет эл радиостанцияларининг овози бўғилмаётганлигини ҳам Хельсинки жараёнининг шарофати, деб ҳисоблаймиз.

Умуман маслагимиз мана бундай: сиёсий муаммолар фақат сиёсий воситалар билан, инсон муаммолари фақат инсонпарварлик воситалари билан ҳал этилиши керак.

### III.

Энди энг муҳим масала — **қуролсизланиш ҳақида** гапирмоқчиман. Қуролсизланиш бўлмаса келгуси асрнинг биронта муаммосини ҳал этиб бўлмайди.

Қуролланиш пойгаси ва тафаккурнинг ҳарбийлашуви халқаро тараққиётни ҳамда алоқани издан чиқариб юборди.

Совет Иттифоқи 1986 йил 15 январда ядросиз дунё барпо этиш программасини таклиф этганлиги маълум. Бу программанинг амалий музокара позицияларида мужассамлашуви ҳозиргача ўзининг моддий самараларини берди.

Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома имзоланган кунга эртага бир йил тўлади. Шу шартномани амалга ошириш ракеталарни тугатиш ишонч ва ишчанлик муҳитида нормал ўтаётганлиги тўғрисида янада зўр мамнуният билан гапираман.

Шубҳа-гумон ва душманликнинг қалин деворида мана шундай туйнук ҳосил бўлди. Бизнинг кўз ўнгимизда янги тарихий реаллик рўй бермоқда — **ўта қуролланганлик принципидан мудофаа учун оқилона етарлилик принципига ўтилмоқда.**

Биз деярли ҳамиша бўлиб келганидек, қурол-яроғларни кўпайтириш ёрдамида эмас, балки, аксинча муросага келиш асосида уларни қисқартириш ҳисобига хавфсизликни таъминлашнинг янги модели шаклланаётганининг дастлабки учқунлари шоҳиди бўлиб турибмиз.

Совет раҳбарияти бу соғлом жараённи оғизда эмас, балки **амалда** ҳам мустаҳкамлашга ўзининг тайёр эканини яна бир бор намойиш қилишга қарор берди.

Бугун мен сизларга қуйидагиларни маълум қила оламан: Совет Иттифоқи ўз Қуролли Кучларини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Яқин икки йил ичида Қуролли Кучларнинг сон состави 500 минг кишига камаяди, оддий қурол-яроғларнинг ҳажми ҳам анча қисқаради. Бу қисқартиришлар Вена учрашуви мандатига оид музокараларга боғланмай, **ўз ташаббусимиз билан** ўтказилади.

Биз Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларимиз билан келишиб, 1991 йилгача ГДР, Чехословакия ва Венгриядан олтита танк дивизиясини олиб чиқиб кетишга ва уларни тарқатиб юборишга қарор қилдик.

Шу мамлакатларда турган совет қўшинлари группаларидан штурмчи десант ва бошқа бир қанча қўшилмалар ҳамда қисмлар, жумладан, ўтказиб қўядиган десант қисмлари қурол-яроғи ва жанговар техникаси билан бирга олиб чиқиб кетилади.

Шу мамлакатларда турган совет қўшинлари 50 минг киши, қурол-яроғлар эса беш минг танк миқдорида қисқартирилади.

Ҳозирча иттифоқчиларимиз территориясида қоладиган барча совет дивизиялари қайтадан тузилади. Уларнинг структураси ҳозиргидан бошқача тус олади, улардан кўп миқдордаги танклар олинганидан кейин фақат мудофаа тусига киради.

Айни вақтда биз СССРнинг Европа қисмида ҳам қўшинларнинг шахсий составини ва қурол-яроғлар миқдорини қисқартирамиз.

Ҳаммаси бўлиб мамлакатимизнинг шу қисмида ва Европадаги иттифоқчиларимизнинг территориясида Совет Қуролли Кучлари 10 минг танк, 8,5 минг артиллерия системаси, 800 та жанговар самолёт миқдорида камайтирилади.

Шу икки йил мобайнида биз мамлакатнинг Осиё қисмида ҳам Қуролли Кучларнинг группаларини анча камайтирамиз. Монголия Халқ Республикаси ҳукумати билан келишиб, вақтинча у ерда турган совет қўшинларининг анча қисми Ватанга қайтарилади.

Совет раҳбарияти ана шу принципиал аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилар экан, ўзининг бутун социалистик жамиятини тубдан янгилаш билан машғул бўлган халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди.

Биз мамлакатнинг мудофаа қобилиятини оқилона ва ишончли етарлилик даражасида сақлаймиз, токи СССР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига тажовуз этишга ҳеч ким ҳавас қилмайдиган бўлсин.

Биз халқаро муносабатларни ҳарбий руҳдан халос этиш манфаатларини кўзловчи бутун фаолиятимиз каби мана шу ишимиз билан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини бошқа бир долзарб муаммога — **қуролланиш экономикасидан қуролсизланиш экономикасига** ўтиш муаммосига ҳам қаратмоқчимиз.

Ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш реал ишми? Илгари ҳам бу ҳақда гапирган эдим. Биз буни, ҳа, реал иш, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи қуйидагиларни қилишга тайёр:

— биз иқтисодий ислоҳот доирасида ўзимизнинг ички ўзгартириш планимизни ишлаб чиқиб, тақдим этишга;

— 1989 йил давомида эксперимент тариқасида иккиучта мудофаа корхонасини ўзгартириш планларини тайёрлашга;

— ҳарбий саноат мутахассисларини ишга жойлаштириш, шунингдек шу саноатнинг машина-ускуналаридан, биноларидан ва иншоотларидан граждан ишлаб чиқаришида фойдаланиш соҳасидаги тажрибамизни эълон қилишга тайёрмиз.

Барча давлатлар, биринчи галда йирик ҳарбий давлатлар ўзларининг бу хусусдаги миллий планларини БМТга тақдим этишлари мақбулдир.

**(Давоми учинчи бетда).**

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Шунингдек, олимлар группасини тузиб, унга умуман ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш муаммоларини айрим мамлакатларга ва регионларга татбиқан чуқур таҳлил этишни ва шу ҳақда БМТ Бош секретарига маълумотнома беришни топшириш фойдали бўлур эди. Келгусида бу масала Бош Ассамблея сессиясида кўриб чиқилишини таклиф қиламиз.

IV.

Ниҳоят, Америка диёрида турганим учун, шунингдек тушунарли бўлган бошқа сабабларга ҳам кўра шу буюк мамлакат билан муносабатларимиз мавзуига тўхталмай ўта олмайман. Унинг меҳмондўстлигини мен роса бир йил муқаддам Вашингтонга қилган унутилмас визитим вақтида тўла-тўкис ҳис этганман. Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида муносабат ўрнатилганига эллик беш йил бўлди. Дунё ўзгарди — шу муносабатларнинг жаҳон сиёсатидаги характери, роли, ўрни ҳам ўзгарди.

Бу муносабатлар жуда узоқ вақт мобайнида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона муҳолифлик, баъзан душманлик руҳида бўлди. Кейинги йилларда Москва билан Вашингтон ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва муҳитидаги яхшилик сари ўзгаришлар туфайли бутун дунёда енгил нафас олинди. Ихтилофларнинг жиддийлигига ва бартараф этилмаган муаммоларнинг қийинлигига ҳеч ким етарли баҳо бермаслик ниятида эмас. Аммо биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамжиҳатликка ва муаммоларни ўзимизнинг ҳамда ҳамманинг манфаатлари йўлида ҳал этишга ўргатадиган бошланғич мактаб сабоғини олдик, деса бўлади.

СССР ва АҚШ жуда катта ракета-ядро аслаҳахоналарини вужудга келтирганлар. Айни шу мамлакатлар ўз масъулиятини аниқ-равшан англаб, уларнинг ўзларига ҳам, бошқа ҳаммага ҳам хавф солиб турган мана шу қуролларнинг бир қисмини қисқартириш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида биринчи бўлиб шартнома тузишга муваффақ бўлдилар.

Иккала мамлакат энг катта ва энг нозик ҳарбий сирларга эгадир. Аммо айни шу мамлакатлар қурол-яроғларни йўқ қилиб ташлаш устидан ҳам, шунингдек қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни чеклаш ва тақиқлаш устидан ҳам ўзаро назорат ўрнатиш системасини яратдилар ва ривожлантирмоқдалар.

Айни шу мамлакатлар келгусида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар учун тажриба орттирмоқдалар. Биз буни қадрлаймиз. Президент Рональд Рейганнинг ва унинг маъмурияти аъзоларининг, аввало Жорж Шульц жанобларининг ҳиссасини тан оламиз ва қадрлаймиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси тарихий аҳамиятга эга бўлган корхонага биргаликда қўйилган капиталдир. У бой берилмаслиги ёки оборотсиз қолдирилмаслиги керак.

Янги сайланган президент Жорж Буш бошчилигидаги АҚШнинг бўлажак маъмурияти учун биз узоқ сукут сақламай ва тескари ҳаракат қилмай, мулоқотни реализм, рўй-ростлик ва холис ният руҳида давом эттирадиган кун тартиби юзасидан аниқ-равшан натижаларга интиладиган музокарадош бўламиз, бу кун тартиби Совет-Америка муносабатларининг ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалаларини ўз ичига олади.

Гап, аввало, ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги шартномани сақлаб қолиб, стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш хусусида шартнома тузиш сари изчиллик билан силжиш ҳақида;

химиявий қуролни тугатишга оид конвенцияни ишлаб чиқиш тўғрисида (бизнинг назаримизда, бу соҳада 1989 йилни ҳал қилувчи йилга айлантириш учун шарт-шароит бор); Европадаги оддий қурол-яроғларни ва Қуролли Кучларни қисқартиришга оид музокаралар тўғрисида бормоқда. Жуда кенг маънодаги иқтисодий, экологик ва гуманитар муаммолар ҳақида ҳам гап бормоқда.

Халқаро вазиятдаги ижобий ўзгаришларни СССР билан АҚШнинггина хизмати деб талқин этиш мутлақо нотўғри бўлур эди.

Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш жараёнига қўшган катта ва ноёб ҳиссасини юксак қадрлайди.

Музокаралар чоғида биз бошқа ядровий на ноядровий йирик давлатларнинг ҳамдамлигини доимо сезиб турибмиз.

Кўпгина мамлакатлар, шу жумладан ўртача ва кичик мамлакатлар, албатта, Қўшилмаслик ҳаракати, шунингдек қитъалараро «олтилар группаси» ҳам беқиёс муҳим амалий роль ўйнамоқдалар.

Ялпи масъулият юкини тобора кўпроқ давлат, сиёсат, партия ва жамоат арбоблари, айниқса олимлар, маданият арбоблари, оммавий ҳаракатларнинг ва турли черковларнинг намояндалари, халқ дипломатияси деб аталган ҳаракатнинг активлари ўз зиммаларига олишга тайёр эканлигига биз, москвадагилар хурсандмиз.

Шу жиҳатдан олганда, БМТ ҳомийлигида жамоат ташкилотларининг ассамблеясини ҳам мунтазам равишда чақириб туриш ғояси диққатга сазовор, деб ўйлайман.

Биз дунёдаги аҳволни соддалаштириб кўрсатмоқчи эмасмиз.

Ҳа, қуролсизланиш тенденциясига кучли омил бахш этилди, шу сабабли бу жараён ўз йўлидан тобора ривожланиб бормоқда. Аммо у муқаррар жараёнга айлангани йўқ.

Ҳа, мулоқот ва ҳамкорлик фойдасига муҳолифликдан воз кечиш муддаоси ўзини рўй-рост намоён этди. Аммо бу муддао халқаро муносабатлар практикасида мутлақо доимий мустаҳкам ўрнашиб қолгани йўқ.

Ҳа, ядросиз ва зўравонликсиз дунё йўлидаги ҳаракат ер куррасининг сиёсий ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қодир. Аммо у дастлабки қадамларнигина қўйди, бунинг устига муайян нуфузли доираларда ишончсизлик билан кутиб олинди, қаршиликка дуч келмоқда.

Ўтмишнинг мероси ва инерцияси ҳамон амал қилиб келмоқда. Чуқур зиддиятлар ва кўпгина можароларнинг илдизлари қўпориб ташлангани йўқ.

Тинч даврни шакллантириш турли социал-иқтисодий ва сиёсий системалар мавжуд бўлган ва рақобат давом этаётган шароитда ўтишдан иборат салмоқли факт ҳам ўзгаришсиз қолмоқда.

Бироқ, халқаро майдондаги куч-ғайратларимизнинг моҳияти, янгича тафаккурнинг энг муҳим қоидаларидан бири шундан иборатки, бу рақобатга танлаш эркинлигини ва манфаатлар мувозанатини ҳурмат қилиш шароитида оқилона мусобақалашув сифатини бахш этмоқ керак.

Мана шундай қилинган тақдирда, у умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан ҳатто фойдали ва самарали бўлиб қолади.

Акс ҳолда, қуролланиш пойгаси, шу пайтгача бўлганидек, унинг асосий таркибий қисми бўлиб қолаверадиган бўлса, рақобат ҳалокатлидир.

Буни дунёдаги тобора кўпроқ кишилар — оддий кишилардан раҳбарларгача тобора яхшироқ тушуниб етмоқдалар.

Муҳтарам раис жаноблари! Муҳтарам делегатлар!

Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги нутқимни қандай туйғу билан бошлаган бўлсам, худди шундай туйғу билан, — ўз халқим ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги масъулият туйғуси билан тугаллайман.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун катта аҳамиятга эга бўлган йил тугай деб қолган бир пайтда ва биз ҳаммамиз жуда катта умидлар боғлаётган йил арафасида учрашдик.

Урушлар, муҳолифлик ва маҳаллий можаролар даврини, табиатга қарши тажовузкорликни, очлик ва қашшоқлик азобини, шунингдек сиёсий терроризмни тугатиш йўлида биргаликда сарфлайдиган куч-ғайратларимиз умидларимизга муносиб бўлади, деб ишонгим келади.

Бу — бизнинг муштарак мақсадимиз, бинобарин, биз бу мақсадга биргаликдагина эриша оламиз.

Сизларга ташаккур.

---

# ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ПАРТИЯ АППАРАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

оила пудрати ва ижара фаоллик билан жорий қилинмоқда. Гарчи бунда ҳали ишлар, чала-ярим ёндашувлар ва очиқдан-очиқ тўсиқлар кўп бўлсада, фақат иқтисодий ислоҳот йўли билангина ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий-ишлаб чиқариш потенциалидан, меҳнат ресурсларидан тўлиқроқ фойдаланиш, республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш мумкинлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалигидаги баъзи силжишлар, энг аввало пахтакорларнинг муваффақияти айни мана шу ўзгаришлар билан боғлиқдир. Кейинги йилларда биринчи марта пахта тайёрлаш плани тўла ва ошириб бажарилди, бунинг устига шаҳарликлар ва ўқувчи ёшлар жуда оз жалб қилинди.

Республикадаги вазиятни соғломлаштириш учун олиб борилаётган қаттиқ курашда КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукумати жуда катта ёрдам ва мадад бермоқдалар. Кейинги вақтларда марказ пахтачиликни илмий асосланган реал негизга ўтказиш, автоном республика ва бир қанча областларнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, Орол бўйидаги санитария-эпидемиология вазиятини яхшилаш ҳамда муҳим табиий объект сифатида Оролни сақлаб қолиш соҳасида бир қанча кенг миқёсли, давлатнинг талайгина маблағларини талаб этувчи чораларни кўрди.

Қайта қуриш муттасил олға бормоқда ва айни вақтда анча мураккаброқ вазифаларни, баъзида эса, тўғрисини айтганда, кутилмаган муаммоларни ўртага қўймоқда. Аввало партия ташкилотлари билан партия комитетлари ана шу вазифа ва муаммоларни янги шароитда янгича методлар билан ҳал этишлари керак.

Айни шу боисдан уларнинг ўз фаолиятини чуқур қайта қуриш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. М. С. Горбачев таъкидлаганидек, партия органлари фаолиятидаги ўзгаришлар жамият турмушида ғоят тез содир бўлаётган янгиланиш жараёнларидан орқада қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Партия ленинча анъанага амал қилиб, қайта қуришни ўзидан бошлади, жамият билан халққа ошган талабчанлик, интизомни мустаҳкамлаш, ўз фаолиятини холис ва танқидий таҳлил қилиш намунасини кўрсатди. Республика партия ташкилотларида ҳам вазият ўзгармоқда: ўтмишнинг салбий ҳодисаларидан ва уларни тарқатувчилардан покланиш жараёни тобора кучаймоқда, партиявий талабчанлик ошмоқда, коммунистларнинг активлиги ўсмоқда, район партия комитетидан то Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетигача барча даражалардаги партия комитетларининг иш услуби, форма ва методлари такомиллаштирилмоқда. Якунловчи босқичга кираётган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида ана шу ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

Айни вақтда қайта қуриш жараёнида партия бўғинлари ўзининг структурасини тубдан қайта ташкил этмасдан илож йўқлиги тобора равшан бўлиб қолди. КПСС XXVII съездидаёқ партия, совет, давлат ва хўжалик органлари ўртасидаги вазифаларни аниқроқ белгилаб қўйиш зарурлиги тўғрисидаги, айни сиёсий раҳбарлик органлари сифатида партия комитетларининг ролини ошириш ҳақидаги масала ўткир қилиб қўйилган эди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия комитетлари структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари эса мана шу ғоят муҳим сиёсий директивани амалий чора-тадбирлар билан рўёбга чиқара бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети район, шаҳар, область партия комитетларининг фикрларини эътиборга олиб, партия комитетлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг функцияларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди. Асосан совет ва давлат органларининг ҳуқуқ доирасига кирувчи масалалар билан шуғулланувчи бўғинлар сифатида тармоқ бўлимларини тугатиш кўзда тутилди. Асосий бўлимларни, аввало ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, идеология бўлимларини қайта ташкил этиш ҳамда мустаҳкамлаш таклиф этилади. Марказий Комитетда ва область партия комитетларида давлат-ҳуқуқ, социал-иқтисодий, аграр бўлимлар тузилмоқда. Аввалги составда Марказий Комитет ҳамда бошқа партия комитетларининг партия контроли комиссиялари ишлайди. Умумий бўлимлар, Марказий Комитет ишлар мудирлиги ва обкомлардаги тегишли хизмат бўлимлари штатларни бирмунча қисқартирган ҳолда сақлаб қолинади.

Марказий Комитетдаги бўлимларнинг умумий сони 17 тадан 8 тагача қисқартирилади. Область партия комитетларида ҳам худди шундай ўзгаришлар қилинади. Партия комитетлари аппаратининг штатлари қарийб 26 процент қисқартирилади. Республика партия органлари аппаратидаги барча ходимларнинг умумий сони 450 кишидан зиёд камайтирилади.

Гап аввало, Марказий Комитет билан область партия комитетлари ҳақида боряпти. Бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан бевосита боғланган шаҳар, район партия комитетларига келганда, уларнинг аппарати аввалги составда қолдирилди, бир қанча жойларда эса кучайтирилди.

Пленумда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, қайта қуришнинг ҳозирги вазифалари ва талабларига тўла-тўкис мос келадиган, унинг чинакам фаол жангчилари бўладиган кадрларни танлаб, партия комитетларининг аппаратига кўтариш ҳозирги энг асосий вазифадир.

Марказий Комитет Пленуми Марказий Комитет комиссияларини тузиш ва уларнинг состави тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу масаланинг аҳамияти ишнинг фақат ташкилий томони билангина асло чекланиб қолмайди. Раҳбарлик коллегиаллигининг ленинча принципларини тиклаш ва янада ривожлантириш, сайлаб қўйиладиган партия активларининг ролини ошириш ва пировард натижада республика турмушининг барча соҳаларида партия таъсирини кучайтириш тўғрисида гап боряпти.

Асосан сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзоларидан иборат бўлган комиссиялар диққат-эътиборни ўз соҳалари бўйича муаммоларни ўрганишга, партия органларининг муҳокамасига тақдим этиладиган қарорларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тавсиянома ҳамда хулосалар ишлаб чиқишга қаратадилар. Улар ўз ишларида Компартия Марказий Комитетининг тегишли бўлимларига, партия органлари ва илмий ташкилотларга таянадилар.

Пленумда шу нарса қайд этиб ўтилдики, комиссиялар ҳам, Марказий Комитетнинг бўлимлари ҳам партия комитетларининг диққат эътибори ва куч-ғайратларини республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг, қайта қуришни ташкилий жиҳатдан, кадрлар билан, идеологик таъминлашнинг, унинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришнинг энг асосий муаммоларига қаратишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган баъзи принципиал йўналишлар ва тенденцияларни таъкидлади.

Ташкилий-партиявий ишда ва кадрлар билан ишлашда покланиш, соғломланиш жараёнларини кучайтириб бориш зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг ва Компартия XXI съездининг КПСС Марказий Комитети ташаббуси билан ишлаб чиқилган қарорлари партиянинг руҳи ва ҳозирги талабларига асосан мувофиқ бўлиб, ўз кучини сақлаб қолмоқда. Ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра, йўл қўйилган айрим хатоларни тузатиш керак. Аммо қўшиб ёзишлар, талон-торож порахўрлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзига доғ туширган кимсалар оқланиши бир ёқда турсин, балки уларга сира ҳам шафқат қилинмайди. Аксинча, бу иш кучайтирилиши, яна ҳам талабчан ва принципиал бўлиб қолиши керак. Республиканинг барча соғлом кучлари ва аввало, партия ташкилотлари, Советлар, касаба союзлари, комсомол, халқ контроли, жамоат ташкилотлари салбий ҳодисаларнинг оқибатларини батамом тугатишга сафарбар қилинишлари лозим.

Идеология соҳасида одамларнинг ақли ва қалби учун кураш олиб бориш, давлат билан республика манфаатлари ва мақсадлари бирлигини пропаганда қилишни кучайтириш, қайта қуриш ғояларини ғаламислик, маҳаллийчилик, миллатчилик руҳидаги бузишлардан ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳимдир. Шовқин-сурон кўтарувчиларга, сафсатабозларга ва бадхоҳ одамларга қарши, халқни тартибсизликларга ундайдиган, миш-мишлар тарқатадиган, миллатлараро адоватни авж олдиришга уринадиган кимсаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш керак. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ҳамда СССР Олий Совети ўн иккинчи сессияси ҳужжатлари бунинг учун ишонтирарли ва узил-кесил далилларни беради.

Социал-иқтисодий ривожланиш масалаларида иқтисодий ислоҳотни зўр ғайрат билан рўёбга чиқариш йўлига қаттиқ амал қилиш, унинг йўлидаги ғов ва тўсиқларни қатъиян олиб ташлаш, янги хўжалик механизмларини пухта созлаш, қўшимча резервларни, айниқса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, кенг истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилашда, уй-жойларни жадаллик билан барпо этишда, соғлиқни сақлашни ва халқ таълимини мустаҳкамлашда қўшимча резервларни қидириб топиб, ҳеч кечиктирмай сафарбар қилиш лозим.

Давлат-ҳуқуқ қурилишида интизом ва тартибни бутун чоралар билан кучайтириш, ривожланиб бораётган демократияни жамиятга қарши ҳар қандай ҳоллардан ҳимоя қилиш керак. Бунда ёппасига айблашга берилиб кетишга ҳам, жамият ҳамда гражданларнинг манфаатларига зиён етказадиган бебошликка ва жазосиз қолишга ҳам баб-баравар даражада йўл қўйиб бўлмайди.

Пленум партия комитетларининг диққатини КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми билан СССР Олий Совети ўн иккинчи сессиясининг қарорларини эътиборга олиб, жорий ва истиқбол планларини мувофиқлаштириш, уларни бўлажак область партия конференцияларида муҳокама қилиш зарурлигига қаратди. Ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференцияларида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни эътиборга олиб, таҳлил қилиш, уларни амалга оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Режалар бажарилиши учун ҳар бир раҳбар кадрнинг шахсий жавобгарлигини белгилаб қўйиш керак.

Олдимизда хўжалик ва маданий қурилишнинг барча йўналишларида ғоят катта ишлар турибди. Бинобарин, республика партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари беш йиллик учинчи йилининг тугалловчи босқичида куч-ғайратларини икки ҳисса, уч ҳисса оширишлари, уни муносиб равишда якунлаш учун ҳамма ишни қилишлари керак. Яқинлашиб келаётган янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ дадил иш бошлаб, кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга республика қўшадиган ҳисса муттасил ортиб боришига эришиш лозим.

---

# УРУШЛАР ВА МУХОЛИФЛИК ДАВРИ ТУГАТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК, 7 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бир кун олдин бу ерга келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг дастлабки иш куни эрта тонгда бошланди.

Соат 10 да БМТ Бош Ассамблеяси биносининг делегатлар учун мўлжалланган эшиги олдида М. С. Горбачевни БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр кутиб олди. Ассамблея ва БМТ секретариати бинолари олдида ҳилпираб турган БМТнинг зангори байроғи ва БМТ аъзолари бўлган 159 давлат байроқлари шу дақиқаларда Совет давлати бошлиғининг БМТга унинг тарихида биринчи визитига хилма-хил ранглар билан гўё салют бераётгандек эди.

Тантанали учрашувдан сўнг 10 минут ўтгач, М. С. Горбачевнинг Х. Перес де Куэльяр билан суҳбати бошланди. БМТ Бош секретари кабинетида ўтган суҳбатдан сўнг Совет давлатининг бошлиғи БМТ Бош секретари билан бирга Бош Ассамблеянинг раиси, Аргентина ташқи ишлар ва диния министри Данте Капуто ҳузурига ташриф буюрдилар. Бир неча минутдан сўнг улар учовлон Бош Ассамблеянинг мажлислар залига ўтдилар. М. С. Горбачевнинг залга кириб келишини БМТ Бош Ассамблеяси сессиясининг қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Протокол бошлиғи М. С. Горбачевни давлат бошлиқларига аталган кресло олдига бошлаб келади.

Бош Ассамблея 43-сессиясининг раиси Совет давлати бошлиғини БМТ минбарига таклиф қилади.

Совет раҳбарининг сессия делегатлари олдида сўзлаган нутқи залда зўр қизиқиш уйғотди. Фвюби-си телекомпаниясининг машҳур шарҳчиси Питер Женнингс М. С. Горбачев нутқ сўзлаётган пайтда залдагиларнинг ҳис-туйғуларини ифодалаб, БМТ залида нотиқнинг нутқига бу қадар умумий эътибор ва шу қадар умумий жўшқинлик кўпдан буён сезилмаган эди, деб таъкидлади. М. С. Горбачевнинг Нью-Йоркда бўлиши муносабати билан АҚШ Президенти Р. Рейган, АҚШ вице-президенти Ж. Буш, АҚШ давлат секретари Ж. Шульц Вашингтондан бу ерга келдилар. АҚШ Президенти бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси шарафига нонушта-зиёфат берди. Икки давлат раҳбарларининг бешинчи учрашуви Гавернорс-Айленд оролида бўлиб ўтди, бу ерда ҳозир АҚШ соҳил соқчилигининг бўлинмаларидан бири жойлашган.

— Хуш келибсиз, Президент Рейган!

— Хуш келибсиз, Бош секретарь Горбачев!

Бу ерда АҚШ ва СССР раҳбарларини ана шундай меҳмоннавозлик плакатлари билан кутиб олдилар.

Ист-ривер дарёси қуйилишидаги бу кичик оролга қуёш нури ёғилмоқда. Манхэттендан атиги бир неча юз метр масофадаги қадимги қалъа — Фортдан Америка савдо-саноат марказининг улуғвор манзараси намоён бўлади.

Дарё бўйлаб паромда-борйўғи 15 минут юрилгандан кейин М. С. Горбачев орол соҳилига қадам қўяди. Соҳил соқчилиги штабида СССР билан АҚШ раҳбарларининг суҳбати бўлиши лозим. Штабнинг катта дарвозаси олдида М. С. Горбачевни Р. Рейган саломлашиб кутиб олади. Қўл қисиб кўришганларидан сўнг улар олдин икковлон суратга тушадилар, сўнгра уларга АҚШ вице- президенти Ж. Буш ҳам қўшилиб суратга тушади.

Вице-адмирал Жеймс Ирвин оролнинг хўжайини ҳуқуқидан фойдаланиб, олий мартабали меҳмонларни ўз уйига таклиф қилиб, каминли меҳмонхонага бошлаб киради ва қисқа суҳбат ўтказиш учун уларни ёлғиз қолдиради.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
И. МАКУРИН,
В. ЧЕРНИШЕВ,
Г. ШИШКИН.

---

## М. С. Горбачев Х. Перес де Куэльяр билан учрашди

М. С. Горбачев 7 декабрь куни эрталаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг сессиясида нутқ сўзлашидан олдин БМТ қароргоҳида унинг Бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан суҳбатлашди.

Суҳбатдошлар БМТ иши учун жаҳонда бирмунча қулай вазият вужудга келганлигини ва бунда Совет—Америка муносабатларининг яхшилангани катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидладилар. Перес де Куэльяр халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштиришга ҳамда БМТнинг самарадорлиги ва ҳаётий қобилиятини мустаҳкамлашга совет раҳбарияти қўшаётган ҳиссани уқтириб ўтди.

М. С. Горбачев ўзининг Бош ассамблеяда сўзлайдиган нутқида ёритмоқчи бўлган масалалар тўғрисида қисқача ахборот берди. У Совет Иттифоқининг янгича фикрлашга асосланган халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлаётганлиги учун БМТ Бош секретарига миннатдорчилик изҳор қилди ва БМТнинг регионал можароларни бартараф этишга тобора кўпроқ жалб этилаётганлигига ижобий муносабат билдирди.

Суҳбатдошлар бу соҳадаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги фикрларни ўртоқлашдилар. Жумладан, Фаластин Озодлик Ташкилоти намойиш этган реализм таъкидланди. Бироқ, деди М. С. Горбачев, бошқа томон — Исроил ҳозирча шундай жавоб қайтармаяпти. Аммо умид қиламизки, вазият шу тахлитда узоқ давом эта олмайди, фақат халқаро конференция орқали боши берк кўчадан чиқади. Айни бу борада СССР ва АҚШнинг, Хавфсизлик Кенгаши бошқа аъзоларининг Европадаги давлатлар ва бошқа давлатларнинг биргаликдаги ёки баб-баравар куч-ғайратлари, айниқса, муҳимдир.

Перес де Куэльяр Бош ассамблеянинг ноябрь ойидаги резолюцияси мандатига асосланиб, Афғонистондаги вазиятни нормаллаштириш жараёнида шахсан жуда фаол қатнашиш истагида эканлигини маълум қилди. М. С. Горбачев бу ниятни қўллаб-қувватлади.

Суҳбатдошлар Эрон—Ироқ можаросини бартараф этиш масаласига тўхталиб, ўт очишни тўхтатиш етарли эмас, келгусидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, деган фикрга қўшилдилар.

«Учинчи дунё»даги иқтисодий вазият масаласида кўп томонлама ҳамкорлик кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканлиги таъкидланди. Совет Иттифоқи ана шу масалани ўртага қўяётганида Ғарбдагилар ўзига хос қўрқувдан халос бўлишлари муҳимдир, деди М. С. Горбачев. Совет Иттифоқида бу борада ҳеч қандай «қўпорувчилик» нияти йўқ, бу муаммо ғоят кенг кўламлидир ва уни жаҳон ҳамжамияти миқёсида интернационаллаштириш ва масъулиятли ҳамкорлик йўли билангина ҳал этиш мумкин.

М. С. Горбачев пировардида Перес де Куэльярни ишонтириб айтдики, Совет Иттифоқи БМТ томонида бўлиб, унинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Суҳбатда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. М. Белоногов иштирок этдилар.

---

## М. С. Горбачев Д. Капуто билан суҳбатлашди

М. С. Горбачев 7 декабрь куни эрталаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан нутқ сўзлашдан олдин БМТ Бош Ассамблеяси 43-сессиясининг раиси, Аргентина ташқи ишлар ва диния министри Данте Капуто билан учрашди.

Д. Капуто олий мартабали меҳмонни табриклаб, жаҳонда бошланган ва Бош Ассамблея ҳозирги сессиясининг боришида ҳам сезиларли акс этган ижобий жараёнларни шакллантиришда янгича сиёсий тафаккур ва совет ташқи сиёсатининг аҳамиятини таъкидлади.

Қисқа суҳбат чоғида қуролсизланиш ва халқаро можароларни бартараф этиш соҳасидаги ҳамкорликнинг баъзи натижаларига баҳо берилди. Д. Капуто «учинчи дунё» нинг иқтисодий муаммоларини ҳал этиш соҳасида жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратларини ошириш ғоят зарурлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев кейинги вақтда БМТ олдида очилган янги имкониятларга таяниб, жаҳон ишларида ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва интернационал ҳамжиҳатликни кучайтириш зарурлигини айтди.

Суҳбатда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. М. Белоногов ҳозир бўлдилар.

---

## М. С. Горбачев, Р. Рейган ва Ж. Бушнинг учрашуви

М. С. Горбачев, Рональд Рейган ва Жорж Буш 7 декабрь куни тушдан кейин Нью-Йоркда чоғроқ Гавернорс-Айленд оролчасида аввал уччаласи, сўнгра Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, Ж. Шульц, уларга энг яқин ходимлар ва элчилар иштирокида учрашдилар.

Бу норасмий учрашув бўлди. Учрашув М. С. Горбачевнинг бу ерда БМТ Бош Ассамблеясида бўлиши билан боғлиқдир. Гарчи у ёки бу даражада Совет — Америка мулоқоти кун тартибига кирувчи барча асосий масалалар тилга олинган бўлсада, аслида ҳеч қандай музокаралар олиб борилмади.

Шунга қарамай, эркин, қизғин ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбат ғоят аҳамиятли ва фойдали бўлди. Суҳбатда 1985 йилдаги Женева учрашувидан кейин ўтган даврда Совет — Америка муносабатларида вужудга келган ҳамда келгусида ҳар иккала мамлакат ва бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатлари йўлида сақлаб қолиниши ва ривожлантирилиши мумкин ва зарур бўлган барча ижобий, амалий жиҳатлар мужассамлашгандек бўлди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ эришилган аҳдлашувларни рўёбга чиқаришда ва янги аҳдлашувларга эришиш йўлларини қидириб топишда, шунингдек барча даражаларда — олий, сиёсий мулоқотдан тортиб одамлар ўртасидаги алоқаларгача бўлган мулоқот характерида, бир-бирларини ҳаққоний билишга, тахмин ва шубҳалардан халос бўлишга, тафовутларни тушуниш ва эътироф этишга интилишда — ўзаро манфаатларнинг бутун дунё манфаатлари билан боғлиқлиги ҳолида уларни ҳурмат қилиш асосида давомийлик ғояси суҳбатнинг асосий мазмунини ташкил этди.

---

# СССР делегацияси Ватанига жўнаб кетди

МЕХИКО, 8 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев бошчилигида бу ерга келган СССР делегацияси Ватанига жўнаб кетди. Делегация Мексика президенти Карлос Салинас де Гортари ўз лавозимини бажаришга киришишига бағишланган тадбирларда қатнашди.

Делегация Мексика сенати ҳамда миллий конгресс депутатлар палатаси аъзолари билан, шу мамлакат ташқи ишлар министри Фернандо Солана билан учрашди. Делегация бошлиғини К. Салинас де Гортари қабул қилди. У президентга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси М. С. Горбачевнинг шахсий мактубини топширди.

Бизнинг Мексикада бўлишимиз, деди П. Ҳабибуллаев журналистларга Мексика пойтахтидаги халқаро аэропортда жўнаб кетиш олдидан, фойдали, самарали, мазмунли учрашувлар ва суҳбатларга бой бўлди, улар рўй-ростлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч вазиятида ўтди. Бу эса Совет-Мексика муносабатларининг анъанавий дўстона характерига тўла мос келади.

Совет Иттифоқи билан Мексика ўртасида олий даражадаги мулоқот ҳам яхши анъанага айланиб бормоқда, деб сўзида давом этди у. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги фикр алмашувлар икки томонлама Совет-Мексика муносабатларига катта жўшқинлик бахш этади ва ҳозирги долзарб муаммоларни ҳал этишда Совет Иттифоқи билан Мексика бундан буён ҳам ўзаро амалий ҳаракат қилишларига кўмаклашади.

Мехикодаги учрашувлар ва суҳбатлар СССР ташқи сиёсатининг негизини ташкил этувчи янгича сиёсий фикрлаш тобора кўпроқ тушунилиб қўллаб-қувватланаётганлигини тасдиқлади.

Кўпгина соҳаларда СССР билан Мексика ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболлари хусусида ҳам нуқтаи назарларимиз мос эканлигини тўла асос билан қайд этиш мумкин.

Биз худди шу нарсаларни СССР раҳбарларига, барча совет кишиларига етказиш ниятидамиз. Меҳмондўст Мексиканинг ажойиб пойтахтида бўлган делегациямиз сафари якунлари Совет-Мексика муносабатлари бундан буён ҳам дадил ривожланишини яна бир марта ишончли тарзда тасдиқлади.

